

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган



Бунёдкорлик

ЗОМИН ТУРИСТИК МАРКАЗГА АЙЛАНМОҚДА

Туризм – иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири. Шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам соҳани янада ривожлантириш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида республиканинг диққатга сазовор кўплаб жойларида дам олиш

масканлари, меҳмонхоналар, санаторий-курортлар қуриб битказилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги «Зомин» туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисида»ги фармони ҳам айни

шу мақсад йўлида қабул қилинган эди. Белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, пурвиқор тоғлар бағрида тез фурсатларда Суффа туристик-рекреацион комплекси қад ростлади. Яқинда ушбу муаззам кошонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари, ОАВ ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорлар иштирок этди.

>>> 2

Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь кuni Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сийасати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси Вице-президенти Жозеп Боррелни қабул қилди.



Президент Шавкат Мирзиёев «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ижросини самарали ташкил этиш, ўрмон хўжалигида бошқарувни мақбуллаштиришга оид тақлифлар тақдимоти билан танишди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президентининг тақлифига биноан жорий йилнинг 21-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.



2022 йил 18 ноябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 35-ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



Самарқанд шаҳрида «Европа Иттифоқи – Марказий Осиё» форматидagi Вазирлар учрашуви ўтказилди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов Самарқанд шаҳрида Европа Иттифоқининг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сийасати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель билан учрашди.



Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Владимир Норов мамлакатга бир қатор йиллик халқаро тadbirlарда иштирок этиш учун ташриф бурган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотини бош қотиби Хельга Шмид билан учрашди.



Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исмаилов Эргашев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Афғонистон бўйича Москва форматидagi маслаҳатлашувлар навбатдаги йиғилишида иштирок этди.



«Uzbekistan Airways» авиакомпанияси фақат талабалар учун 22 декабрдан 10 январгача амалга ошириладиган маҳаллий авиакатновларга эконом-класс учун 50 фоиз чегирма эълон қилди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Тошкент шаҳри

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейни кўпчиликл юртимизда илк бор халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида олтин медални кўлга киритган ўқув даргоҳи сифатида яхши билишади. Қолаверса, 1997 йили ташкил этилган ушбу таълим маскани бугун нафақат юртимизга, балки бошқа мамлакатларга ҳам кимё фани билимдонларини етказиб бермоқда. Жамоа эришган ютуқларнинг эса санаб сановига етиш қийин. 2008 йилдан халқаро Менделеев олимпиадасида, 2013 йилдан Бутунжаҳон кимё фани олимпиадасида қатнаша бошлаган бу таълим даргоҳи ўқувчилари ортда қолган давр мобайнида йигирмадан ортиқ давлатда ўтказилган беллашувларда 13 та олтин, 25 та кумуш ва 48 та бронза медални кўлга киритишди.

Ютуқларимиз замирида катта сир йўқ, – дейди муассаса директори, «Фидокорона хизматлари учун» ордени ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони соҳиби Ортиқбой Эшонқулов. – Биз, аввало, педагоглари саралаб оламиз. Бинобарин, жамоамиздаги кимё ва биология ўқитувчиларининг



Илм ила юртни шарафлаб...

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИЛАРИ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗ БАЙРОҒИНИ МУДОМ БАЛАНД КЎТАРИБ КЕЛИШМОҚДА

барчаси фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган, давлат мукофотлари билан тақдирланган инсонлардир. Мен эса раҳбар сифатида уларнинг малакасини оширишга жиддий эътибор қаратаман. Шунга кўра, ҳозирга қадар аксарияти Россия, Туркия ва Жанубий Кореяда бўлиб, билим ва тажрибаларини бойитиб қайтди.

Таълим даргоҳи дунё олимлари эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. Жумладан, кимё бўйича Нобель мукофоти совриндори, франциялик таниқли

олим Жан-Пьер Сауваге 2019 йилги жаҳон кимё фани олимпиадасида ҳакамлар ҳайъатида раислик қилади. Шу жараёнда юртимиз ёшларининг иқтисодига гувоҳ бўлгач, лицей директори Ортиқбой Эшонқулов билан яқиндан танишади. Ундан лицей ўқувчилари халқаро олимпиадаларда қувончли натижаларга эришаётганини эшитгач, «Сизнинг ўқув масканингиз Ўзбекистондагина эмас, дунёда ҳам ягона экан! Чунки шундай махсус таълим даргоҳлари борки, улар ҳар йили олимпиадада қатнашса-да, бирор марта ҳам олтин медал ололмаган.

Юртингиз ёшларига менинг ҳавасим келди», дейди.

Жамоанинг келгуси орзу-мақсадлари янада катта. Улар таълим маскани халқаро нуфузга эга бўлиши учун интилишмоқда. Шунингдек, муассаса биноси тубдан таъмирланиши ва моддий-техник базаси яхшиланишига ҳам умид қилишмоқда.

Жамоа аҳли эзгу ниятларига эришишига, ўқувчилари яна кўплаб халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришларига тилақдошимиз.

Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»

Жараён

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...



ЯХШИДҲУР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ...



ЭС-ҚУШ БЎЛМАСА, МАЖЛИС ҚИЛИНГ!



ҒАЛАТИ ТАНЛОВ

ЗОМИН ТУРИСТИК МАРКАЗГА АЙЛАНМОҚДА

ЯНГИ ЗОМИННИНГ ЯНГИ МЕҲМОНХОНАСИ

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси Спике-
рининг биринчи
ўринбосари,
академик:



Зомин ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг кўз ўнгидан ривожланган давлатларнинг табиати гавдаланади. Лекин уларнинг ақсариётида одамнинг оёғи тегмаган жой деярли қолмаган, ҳисоб. Аммо Зоминда ҳали одамлар кўрса, кўзи қувонадиган, баҳри-дили очиладиган қанчадан-қанча гўзал масканлар бор.

Хусусан, фойдаланишга топширилаётган ушбу иншоот биргина Зомин тумани, Жиззах вилояти, бутун республика билан чекланиб қолмайди. Насиб этса, унинг доғруги бутун оламга ёйилади ва бутун жаҳонни ўзига чорлайди. Чунки бу дунёдаги иқлим ва ҳавоси энг тоза, қолаверса, чуқур тарихга эга жой. Янги Зоминнинг янги меҳмонхонаси барчамизга муборак бўлсин!



<<< 1

Тадбир аввалида Жиззах вилояти ҳоқими Эргаш Солиев сўзга чиқиб, барчани, айниқса, зоминликларни ушбу мухташам маскан билан табриклади.

– Вилотимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни биргина Зомин тумани мисолида айтдиغان бўлсам, 2022 йилнинг ўтган даври мобайнида қиймати 131 миллиард сўмлик 25 та янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилди, – дейди Эргаш Солиев. – Шунингдек, 3,2 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ва бунинг натижасида 6 миллион долларлик санаот ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дунёнинг етти давлатига экспорт қилинмоқда.

Туманда 53 та объект қурилиши бошланди, шундан 33 таси фойдаланишга топширилди. 11 та умумтаълим мактабида умумий қиймати 43 миллиард 411 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Айни вақтда туманда 180 та хонадонга эга 9 та кўп қаватли, 69 та хонадонга эга 2 қаватдан иборат ҳамда 26 та хонадонга эга 1 қаватли ҳовли уй қуриб битказилди. Бунинг натижасида, уй-жойга муҳтож бўлган 280 та оила имтиёзли арзон уй-жой билан таъминланди.

Энди бевосита «Суффа» туристик-рекреа-

цион комплекси ҳақида гапирадиган бўлсам, аввало шуни айтишим керак, курорт зонасида туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини қуриш учун «Суффа» текислигидан 700 гектар ер майдони ажратилди.

Бугунги кунда туристик зона ҳудудидаги «Суффа» текислигида «Асакабанк», «Туронбанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанк»ларнинг маблағлари ҳисобидан ҳар бири 120 хона, 240 ўринга мўлжалланган ҳамда ҳар бирининг умумий қурилиш майдони ўртача ҳисобда 7700 м² дан иборат 2 та 4 қаватли, 1 та 5 қаватли 3 та меҳмонхонанинг қурилиш ишлари якунланди.

Қувонарлиси, ушбу меҳмонхонанинг ишга туширилиши натижасида туманда янги иш ўринлари яратилди. Энди бу ерлик аҳолининг даромади янада кўпаяди.

Айни кунларда Зомин санаторийсидан Суффа платосигача узунлиги 2160 метр ва бир тарафга қабул қилиш соатига 500 кишини қамраб оладиган гондол типидagi замонавий осма дор йўли қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, туристик зона ҳудудидаги объектлар учун электр энергия, ичимлик ва оқова сув тармоқларини ҳамда умумий фойдаланиладиган йўللарни қуриш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Биргина, «Когон нефтегазэнергосервис» МЧЖ ичимлик ва

оқова сув тармоғини қуриш мақсадида 4923 м. ичимлик суви, 1395 м. оқова сув тармоғи, 1300 м. сўғориш тизими, ичимлик суви учун 2 та 1000 м³ дан резервуар ҳамда 2 та 600 м³ оқова сувларни тозалаш иншоотини қуриш ишлари якунланиш арафасида.

Йўл қуриш ва таъмирлаш ишлари доирасида 4Р-40 «Даштобод – Зомин – Бахмал – Ғаллаорол» автомобиль йўлининг 24-80 км. қисми босқичма-босқич реконструкция қилиб борилмоқда.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозим, бугун туманда 7 та меҳмонхона, 4 та соғломлаштириш объекти, 6 та дам олиш маскани, 85 та оилавий меҳмонхона, шунингдек, бир қанча диққатга сазовор маданий мерос объектлари, туристик савдо расталари мавжуд бўлиб, ушбу манзиллар бир кунда 2 минг нафардан ортиқ сайёҳ қабул қилиш имкониятига эга.

Мазкур миқдорни ошириш орқали Зоминнинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда такомиллаштириш мақсадида «Дуоба» ҚФЙни туризм қишлоғига айлантириш борасида алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Унга қўра, ҳудудда миллий таомлар ошхонаси, Ахборот маркази, wi-fi зона, селфи майдони, шахмат-шашка доскаси ҳамда 8 та хунармандлар растасидан иборат туризм маркази фойдаланишга топширилган.

Шу аснода Усмонлисой қишлоғида 4 км. электр тармоқлари янгидан тортилиб, 2 та электр пункти тўлиқ янгиланди. «Дуоба» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Еттикечув қишлоғида 3 км. асфальт йўл, 5 км. шағал йўл ётқизилди. Мазкур йўлнинг давомида 4 км.лик велойўлак барпо этиш режалаштирилган. Натижада, велойўлак орқали МИҚ қалъасига, ундан Суффа платосига пиёда бориш бўйича алоҳида туризм маршрути пайдо бўлади.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан пурвиқор тоғлар ёнбағрида қад ростилаган «Суффа» туристик-рекреацион комплекси нафақат юртимиз аҳолиси, балки хорижий давлатлар фуқаролари учун ҳам мамлакатимиз тарихида янги турдаги дам олиш маскани бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ,
Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Ishonch» муҳбирлари

БИНОЛАР ҚУРИЛДИ ТОҒЛАР БАҒРИДА

**Мирзоулғу
ҲАЙДАРОВ,**
Меҳнат
фахрийси:



– «Суффа»да худди тоғлар каби виқорли меҳмонхона фойдаланишга топширилмоқда. Қисқа бир фурсатда мана шундай масканнинг бунёд этилиши, тўғриси айтишга осон бўлса-да, бунинг ортида қанча машаққатли меҳнат ётибди.

Зомин тумани 96 йиллик тарихга эга. Аммо шу вақтга қадар бу ерда бундай кенг кўламли қурилиш ишлари амалга оширилмаган. Бугунга келиб эса туманимизда кўплаб туристик зоналар фаолият юритмоқда. Айниқса, суффада қурилган меҳмонхона ҳаммасидан ўзгача бўлди.

Меҳмонхонани кўздан кечирар эканман, қурувчиларнинг маҳоратида тан бердим. Дарҳақиқат, инсон бир юмушга чин дилдан бел боғласа, тоғнинг чўққисидан ҳам мана шундай гўзал бинолар ярата оларкан...

Ушбу маскан нафақат Зомин туманини, балки мамлакатимизнинг туристик имкониятини бутун дунёга тараннум этишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.



БОЛАЛИК ДАМЛАРИМ ЎТГАН ЖОЙ



**Раҳматилла
ЖАББОРОВ,**
Ўзбекистон қирғиз
миллий-маданий
маркази раҳбари:

– Бу жойларда болалигим ўтган. Отам тоғ қоровули бўлган. Шу текисликда эчки-қўй боқиб катта бўланми. У даврларда ҳозиргидек текис ва раван асфальт йўллар йўқ эди. Сўқмоқ орқали эшак ва от арваларда қатнар эдик.

Замонлар келиб, тоғнинг энг баланд қисмида одамларнинг ҳайратига сабаб бўладиган мана шундай замонавий иншоотлар қурилишини ким ўйлабди дейсиз. Бунёдкорлик ишларини қўриб, бошим кўкка етди. Улкан ўзарилар қуришда жаҳон талабларига мос шундай туристик меҳмонхонанинг барпо этилишини таъбир жоиз бўлса, мўъжиза деб айтган бўлардим.

Ўйлайманки, бугунгача Зомин тумани табиати, тоза тоғ ҳавоси билан сайёҳларни ўзига жалб этган бўлса, эндиликда мана шундай замонавий иншоотлар ҳам бу борада асосий омил бўла олади.

ИМКОНИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНМАЙ БЎЛАДИМИ?



**Муқаддас
МАМАРАСУЛОВА,**
Зулфия номидagi
давлат мукофоти
соҳибаси:

– Ўзбекистон буюк тарих, аждодларимиз қадриятларини ақс эттирган бетакрор дидир. Айниқса, ёшларга яратилаётган имкониятлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатига кўза ташланмайди. Шундай экан, бу имкониятлардан фойдаланмай бўладими?!

Мен ҳам яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, қатор ютуқларга эришиб келаётган ёшлардан бириман.

Хусусан, 2021 йилда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан Зулфия номидagi давлат мукофоти билан тақдирланганим, 2022 йилда Навоий номидagi давлат стипендияси совриндорига айланишим ҳам имкониятлардан унумли фойдаланганим, ватаним тараққиёти учун оз бўлса-да ҳисса қўшганимга рағбат деб биламан. Иқтидорли талаба сифатида халқаро саммитлар, ёшлар форумларида кўп бора иштирок этганман. Чет эл сафарларида бўлганимда миллий либосимни қўриб, хорижликлар ҳайратини яшириб ўтиришмайди. Бу албатта, менга фахр-ифтихор туйғуларини баҳи этди.

Зомин рекреацион-туристик зонасининг Суффа платосида ажойиб дизайн ва зарур шароитларга эга меҳмонхонанинг фойдаланишга топширилиши юртимизга таширф буюрган сайёҳлар ҳайратини ошириши шубҳасиз.

Саидқабар Абдураимов олган суратлар

Фарғона вилояти

Ҳамшира мажбурий суғурталанган эди. Аммо...



Наврўзой Мамажонова Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 2-хирургия бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайди.

...Уша кун Наврўзой Мамажонова беморлар муолажаларини тугатгач, бўлимга чиқиб

учун лифт тугмасини босади. Лифт эшиги очилади, лекин лифт йўқлиги сабаб Н.Мамажонова мувозанатини сақлай олмай, шахтага йиқилади. Фалокат натижасида ҳамширанинг ўнг ва чап қўли, тос суяги синади.

2021 йил 21 декабрь куни бўлган мазкур

Касаба уюшмаси аралашгач...

бахтсиз ҳодиса сабаб Наврўзой Мамажонова олти ой дард чекади.

Аммо юридик хизмати ходимининг қонун талабларини етарли даражада билмаслиги натижасида жабрланувчи Наврўзой Мамажонова қонунда белгиланган қўрилган товон ва зарар тўловларини тайинлаш тўғрисидаги муассасанинг буйруғи чиқарилмайди. Боз устига суғурта компанияси бахтсиз ҳодиса хужжатлари етарли эмаслигини баҳона қилиб, тўловларни тўлашни кечиктириб келади.

Жабр кўрган ҳамширага ёрдам кўрсатиш мақсадида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспекцияси мазкур ҳодисани батафсил ўрганиб чиқди.

Ўрганишлар давомида бахтсиз ҳодисанинг оқибатида жабрланувчига тўлалини керак бўлган товон ва зарар тўловлари миқдори аниқланди ва иш берувчининг мазкур тўловларни тўлаш тўғрисидаги буйруғи чиқарилди. Шундан сўнг суғурта компаниясига бахтсиз ҳодисани суғурта ҳодисаси деб тан олишни сўраб алоқа хати юборилди.

Ҳолат бўйича меҳнат инспекцияси, иш берувчи ва суғурта компанияси вакиллари ўртасида олиб борилган музокара натижасида касаба уюшмаларининг аралашуви билан суғурта компаниясидан жабрланувчи Н.Мамажонова ҳисобига 24 миллион сўм товон пули ундириб берилишига эришилди.

Равшан ФОЗИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгашининг
Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспектори

Тошкент шаҳри

Кейинги пайтларда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимига эътибор янада кучайди. Жумладан, 2022-2024 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.

Унда бошқа визифалар қатори 40 ёшдан ошганлар ҳар йили камида бир марта қандли диабет ва диабетолди ҳолатлари бўйича мақсадли скринингдан ўтказилиши белгиланди. Шунга қўра, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиникага қандли диабет касаллиги билан оғриган 100 нафар бемор жалб этилди. Айни вақтда уч ой ичида қондаги қанд миқдори қанчага ошганини аниқлайдиган таҳлиллар ўтказилмоқда.

– Поликлиникамиз рўйхатида турганлар саломат-

Саломатлик

МАҚСАДЛИ СКРИНИНГ ЎТКАЗИЛМОҚДА



лиги доимий назоратимиз остида, – дейди бош ҳамшира Муҳайё Шожалилова. – Эндокринологик касалликдан яна бири диффуз бўқоғи бўлиб, яқин кунларда беморлардан 100 нафари қўриқдан ўтказилади. Бу текширувларнинг барчаси бепул амалга оширилади.

Ўз мухбиримиз



ЕНГИЛЛИК ҚИММАТГА ТУШМАСИН

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 27 октябрдаги «Мен не дейману қўбизим не дейди...» сарлавхали мақолани ўқиб, менда ҳам баъзи бир фикр-мулоҳазалар туғилди.

Хеч кимга сир эмас, ҳозирги кунда махбۇсларга енгиллик бериш, жазони ижро этиш колониаларида махбۇсларга қўлай шарт-шароит яратиш (собиқ иттифоқ даврига нисбатан) ҳар қачонгидан-да долзарб масала бўлиб келмоқда ва бу йўлда барча зарур чоралар қўрилади. Одамлар тилида «борса келмас» дея аталадиган Жалиқ қамқоҳонасининг ёпилиши ҳам сўзимиз исботи. Аммо...

Ҳар бир эзгу амал ортида салбий оқибатлар ҳам бор бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Хусусан, биз яхши ният билан махбۇсларга енгиллик яратаётган эканмиз, бир кун келиб, шу ишимиз қимматга тушишни ҳисобга олмаямиз. Айнан аввалги қилмиши учун жазоси енгилроғига алмаштирилган жиноятчилар яна қайта шу йўлга кириб қолмоқда.

Афсуски, беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган жиноятчилар муддати тугамай, турли йўллар билан қўйиб юборилмоқда. Бунинг оқибатида ўғирлик, фирибгарлик, давлат мулкни талон-торож қилиш, қасддан бировга оғир тан-жароҳати етказиш каби жиноятлар кўпаймоқда.

Бирон-бир янгилликни амалиётга жорий қилмоқчи бўлсақ, хорижий тажриба дастак қиламиз. Хўш, бу борада хорижий тажриба қандай?

Мисол учун, бошқа давлатлар (Покистон, Саудия Арабистони, Малайзия, Россия ва Хитойда) оғир жиноят содир этганлар то жазо муддати тугамагунча кечирилмайди. Бу ҳам етмагандек, махкумлар оғир шароитларда сақланади.

Ҳатто айрим давлатларда ўғирлик содир этган шахсинг қўли ёки бармоғини кесиб, тошбўрон қилиш, порахўрликда айбланганлар ўлим жазосига ҳукм қилиниши ҳам бор гап.

Бундан мақсад битта – жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш ва нотўғри йўлда юрганларни тарбиялаш. Балки ушбу мезонлар кўпроқ фойда келтираётгани учун ҳам ундан воз кечилмаётгандир?..

Мақсадимиз жиноятчиликни камайтириш экан, мақола муаллифи таъкидлаганидек, аввало, жиноятчиларга енгиллик бериш ҳақида эмас, аксинча, уларнинг онига бу йўлга қайта қаддам босмаслик фикрини синдириш чораларини кўришимиз лозим. Кимдир оғир жиноятга қўл урди, жазо муддатини тўлиқ ўтасин. Айниқса, қайта-қайта жиноятга қўл урган шахслар билан муроасага бориш, уларга енгиллик яратиш керак эмас, деб ҳисоблайман!

Сулаймон УЛУҒМУРОДОВ

Пахтакор шахри

Фрилансинг – ҳар қандай ташиқлотда доимий ишламасдан, турли иш берувчилар билан (хатто бир вақтнинг ўзига ҳам!) ҳамкорлик қилиш имконини берувчи даромад топиш усули. Фрилансер эса (инглизчада – «эркин найзачи») ўзи фойдали деб билган буюртмани қабул қилиб, ўз иш вақти ва маконини мустақил ташкил этадиган ишчидир. У бажарилган иш сифати ва ўзининг ҳуқуқий мақоми учун тўлиқ жавобгарликни ҳам гарданига олади.

Қисқаси, фрилансинг ким билан ишласам ҳам натижасига ўзим жавоб берман, дейдиганлар касби. Масалан, сизнинг хунарингиз бор, жисмоний ва юридик шахсларга маиший ва техник хизмат кўрсатасиз, хусусий репетиторлик, тренерлик ва консултантлик ёки таржима қилиш хизматлари билан шуғулланасиз, ижтимоий тармоқларда фаолият юритасиз, дастурлаш хизматларини тақдим этасиз. Демак, билинги, ўзини ўзи банд қиладиган шахс – фрилансер ҳисобланади.


Музыка бастакори, копирайтер (матнлар билан ишловчи), веб-дизайнер, компьютер дастурчиси, таржимон, журналист, меъмор, рессом, видеомонтажчи каби касблар эгалари фрилансерлар бўлиши мумкин. Маълумотларга қараганда, уларнинг асосий маҳорати ва қобилияти матн ёзиш (18 фоиз), таҳрирлаш (10 фоиз), нуска кўчириш (10 фоиз), дизайн (20 фоиз), таржимонлик (8 фоиз), веб-дизайн (5,5 фоиз) ва маркетинг (4 фоиз) соҳаларида кенг оммалашган. Фрилансинг тренинги бўйича эксперт, соҳага оид ўнлаб китоблар муаллифи Юлия Коротун шундай дейди: «Бирор хунарни эгаллашган кишилар махсус курсларга бормайдилар, ўқитиш учун иттихослашган мутахассисларни ёлламайдилар, балки Интернетдаги бепул материаллардан фойдаланиб, касб ўрганадилар ҳамда сивов ва хатолар орқали баъзи кўникмаларни мустақил равишда ўзлаштирадилар. Бу усул қисқа фурсатда натижа бермайди ва ҳар доим ҳам тўғри эмас, лекин мижоз учун хавфли ҳам эмас».

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФРИЛАНСЕР БЎЛИШ МУМКИН?

Пандемия даврида кўплаб фрилансерлар уйда ўтириб ёки коворкингда қўлай иш билан банд бўлишди. Айримлари ойнага миллионлаб даромад қилишди. Жумладан, Шахрило исми инглиз тили ўқитувчиси Пешку туманининг чекка бир худудида яшаса-да, Upwork платформасида ўз ўрнини топди. Икки йил олдин у ижтимоий тармоқ орқали юртдошларига ўз тавсияларини қолдирди:

– Ишлагани истаяган инсонга Интернетда даромад қилиш имконияти етарли. Мақсад-ниятингиз жиддий бўлса, сизни ҳеч нарса тўхтатмайди. Агар инглиз ёки бошқа бирор тилни ўртача билсангиз, нур устига нур бўлади. Upworkда рўйхатдан ўтиб, истаган профилни иқтидорингизни инобатга олган ҳолда тўлдирасиз. Бунда ўзингиз ҳақингизда тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қилинг. Профилда қўйилган сурат сифатли бўлиши, маълумотлар базасидаги ёзувлар аниқ ёзилиши керак.

Ишга қабул қилинишда бир марталик видеоинтервью бўлади. Шунга қараб, сизга ишга таклифлар келади ва сиз ўз ишингизни пухта бажаринг. Натижада рейтинг ошиб бораверади, мижозлар ўз фикрларини қолдиришади. Бу кейинчалик яна иш (таржима, коперайтерлик, таҳрир ва ҳоказо) олишингизга хизмат қилади. Мижоз билан иш соатлик келишув асосида бўлади. Бир марталик мижоз билан ишланса, 5 миллион тушум учун 10 фоиз солиқ ушланади. Иш соати ва тўлов ҳақи кўтарилгани сизинг солиқ камаяди. Бундай иш унуми натижасида иш берувчи сизни Future job («Келгусида яна иш бераман») деб белгиланади бўлса, солиқ ушламайди ва унинг ярмини ўзи тўлаб беради. Пул олишда ва чиқаришда умуман муаммо бўлмайди. Биринчи марта рўйхатдан ўтганингизда пластик карта буюртма қилинади ва 14 кун ичида қўлингизга тегади. Ҳафталик



маълумотларни ўзингиз кўриб бориш имкониятига эгасиз.

Мутахассислар фрилансер бўлишининг ягона шарти сифатида хунарингиз сирасорини ўрганиши, сайтлардан ташқарига чиқиш, у ерда узоқ вақт бўлганлар билан суҳбатлашиши, керак бўлса, тренингда иштирок этишни тавсия қилишади. Биринчи тавсия молиявий ҳимоя ёстиғини яратгач, яъни кафолатли тавсияларни топгач, аввалбошда бепул хизмат кўрсатишингиз ҳам мумкин, кейинчалик ўз маблағингизга эга бўлиб борасиз.

ЭНГ КЎП БЎШ ИШ ҲАҚИДА

Фрилансинг биржаларда кўпинча ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича гуруҳларга бўлинади:

- IT, дастурлаш, тизимларни бошқариш (веб-сайтлар ва иловаларни тайёрловчилар, дастурчилар, ўйинларни ишлаб чиқувчилар, тестерлар, фронт-енд ва бек-енд дастурчилар, тизим маъмурлари);
- дизайн, фотография, меъморчилик ва санъат (фотографлар, иллюстраторлар, дизайнерлар, аниматорлар, меъморлар, 3D-графика ва флеш-анимацияни ишлаб чиқувчилар, интерфейс дизайнерлари);
- матнлар билан ишлаш (копирайтерлар, рерайтерлар, журналистлар, муҳаррирлар, СММ мутахассислари, таржимонлар);
- аудио ва видео билан ишлаш (видеографлар, операторлар, стримерлар, бастакорлар, аранжировкачилар, муҳаррирлар, овозли мутахассислар);
- PR, реклама, маркетинг (маркетологлар, PR мутахассислари, CEO мутахассислари, ички алоқалар бўйича мутахассислар);
- онлайн таълим (ўқитувчилар, репетиторлар, онлайн мактаблар маъмурлари);
- муҳандислик (муҳандислар, дизайнерлар, қурувчилар);
- кундалик ҳаёт (сартарошлар, косметологлар, маникюрчилар ва заргарлардан то бухгалтерлар, курьерлар, call-маркази ходимлари ва қўриқчиларгача).

ФРИЛАНСИНГ ИЖОБИ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ушбу йўналишнинг афзаллиги шуки, ишчи куннинг исталган қўлай вақтида, ҳафтанинг мос кунларида, ўзи танлаган жойда масофавий ишлаши мумкин. Бу стандарт иш вақтига кўникмайдиганлар учун ҳам имкондир. Улар буюртмаларни ўзлари танлашади, ўқиб ишланадиган ишни уйғунлаштири олишади.

Масофавий ишлашдан фарқли ўлароқ, фрилансер иш вақти тўлиқ назорат қилинадиган ходим эмас. Унинг мижоз билан муносабатлари Меҳнат кодекси асосида тартибга солинади. Бу бир томондан яхши, чунки қачон ва қанча ишлашни ўзингиз хал қилишингиз мумкин. Лекин камчиликлари ҳам бор. Масалан, пулли таътил йўқ. Фрилансерлар доимий муддатларни ҳис қилишмайди. Улар учун аниқ жадвал ва тайёр

Фойдали маслаҳат

Улар орқали қандай қилиб пул топиш ва бойиш мумкин?

«Ижтимоий пакет» йўқлиги, буюртмалар сонини кузатиш зарурати бироз мураккаблик туғдиради. Ҳеч ким сизнинг соғлигингизни сақлаш харажатларингиз, пенсия жамғармаларингиз ва ижтимоий пакетларингиз учун жавобгар эмас. Фрилансингга барча таваккалчиликлар жамланиши мумкин.

КЎРҚУВЛАР ҚАНДАЙ ЕНГИЛАДИ?

Фрилансер Жулиа Коротун дастлабки асосий кўрқувларни енгиланинг муваффақиятли усулларини тавсия этади:

– Мижозларни топа олмаслик кўрқуви ва номаълум кўрқуви худди шундай хал қилиш мумкин – мижозларнинг барқарор манбаларини топиш ёки бир неча доимий мижозлар билан ишлаш. «Менга ҳеч ким иш бермас-чи?» деган хавотирни енгил учун сиз доимо уларни излашингиз керак. Агар ҳақиқий мижоз билан ишлаш ҳақидаги ҳаётни мураккаблаштира, сиз унинг асосий сабабларини топишингиз ва ҳар бирини ёпишингиз мумкин. Масалан, сабаб: мен мижоз билан ишлашдан қўрқаман, чунки тартибсизлик қиламан. Ечим: ишининг ҳар бир қисмини диққат билан ва бир неча марта текширинг, ҳар бир жиҳатига максимал даражада эътибор беринг ва уни ўз муддатида бажаринг (ёки таҳрир қилишга чеҳара бўлиши учун уни муддатидан олдин топширинг). Сиз мижозга иш учун ҳақ тўлашни таклиф қилишингиз мумкин, агар у ёқса.

Ишининг босқичларини, ҳар бир босқичда лойиҳанинг тайёрлик даражаси (ҳажми ва муддатлар)ни аниқ келишиб олинг. Муаллифлик ҳуқуқига эътибор беринг (бажарилгандан кейин сизнинг ишингизга ким эгалик қилади). Унутманг! Мижоз билан расмий шартнома тузиш ҳар доим яхши.

СОЛИҚҚА ТОРТИЛМАСЛИК УЧУН...

Бир телекўрсатувда ўрта яшар аёл «Мен сартарошлик қилиб, маҳалладошларимга нафим тегапти. Лекин даромадим харажатларимни зўрга қоплайди. Шундай бўлганда, нега фалон миқдорда солиқ тўлашни керак?» деган савол билан мурожаат қилди. Эксперт солиқ идорасига бориб, тегишли тартибда тўлов қилиши лозимлигини тусунтирди.

Ижтимоий тармоқларда эса бир гуруҳ ўзбекистонлик блогерлар YouTubeдаги фаолиятлари орқали олган даромадлари ҳисобидан солиқ тўлашлари лозимлиги ҳақида солиқ идораларидан хабарнома келаятгани ҳақида хабар беришди. «Sirojiddin Media» канали муаллифининг айтишича, у 2021 йилда YouTubeдан олган 9 минг доллар атрофидаги даромади учун 11 миллион сўм атрофида солиқ тўлаши керак экан...

Бу ҳолатларда қонуний йўл ва ечим бор: ўзини ўзи банд қиладиган шахслар топаётган даромад солиққа тортилмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 806-сонли қарори ва шу асосда тасдиқланган. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом фрилансерлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялайди. Ҳо-

зири ўзини ўзи банд қилган шахс фаолиятини солиқ идорасида рўйхатдан ўтказиш орқали иш стажига эга бўлади. Бунинг учун у солиқ идоралари ёки Давлат солиқ қўмитасининг мобил иловаси (my.soliq.uz)дан рўйхатдан ўтиб, йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорда пул тўлаш орқали бир йиллик иш стажига эга бўлиши мумкин. Ушбу сумма тўлиғича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йўналтирилади ва ундан келиб чиққан ҳолда ва ўрнатилган тартибда пенсия ҳисоблаш учун даромад ҳажми аниқланади.

Шу тариха сиз фрилансерлик фаолиятингизни қонунийлаштириш билан бирга, келажакдаги пенсиянгизни ҳам таъминлашингиз мумкин.

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

Агар инглиз тилини билсангиз, хорижий фрилансер биржаларидан мижозлар излашингиз мумкин. Бу сизга валютада пул ишлаш ва кўпроқ маблаг олиш имконини беради. Мисол учун, чет элда дастурчилар тарифлари соатига 30-50 доллар ёки ундан кўп бўлиши мумкин. Яқинда сўнгги уч йил давомида глобал фрилансинг бозорини ўрганиш бўйича халқаро экспертлар ўз кўрсатувлари натижаларини ёзган қилишди. Улар 170 мамлакатдан 21 минг нафар мутахассис орасида ўтказган сўров ва натижаларга қараганда, фрилансерликка бўлган талаб билан бирга таклиф ҳам ўсиб бормоқда. Чунончи, АҚШда яқка тартибдаги тадбиркорлар мамлакат ишчи кучининг учдан бир қисмидан зиёдини ташкил этган. Жаҳон бўйича фрилансерларнинг 51 фоизи европалар натижаларини ушун ишлайди. Бу борада, айниқса, малакали IT ва дастурлаш мутахассисларига талаб юқори. Шу боис дастурчиларнинг ярмидан ортиги иш қидиришга вақт сарфламайди.

Хулоса қилиб айтганда, фрилансерлик ҳаётингизга энди кириб келган бўлса-да, бугунги ахборот технологиялари ривожланган глобал жамиятда ҳар бир инсон учун улкан имкониятлар эшигини очиб беради. Вақтингизни тўғри тақсимлаб, сабр билан ҳаракат қилсангиз, энг муҳими, қобилиятингиз ва билимингизни самарали меҳнатингиз орқали намоеён эта олсангиз, катта даромадлар сизни кўп куттирмайди. Бунга ишонинг. Зеро, дунёдаги миллионлаб одамлар алқачоноқ фрилансерлик орқали кўп пул топмоқда.

Шоира БОЙМУРОДОВА, журналист

Навоий вилояти

Ҳамроевни нега ишга олишмаган эди?

Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани мустақамланиб қўйилган.

Фуқароларимизнинг мазкур ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг давлатдан розилиги, эртанги кунга ишонч ва ниҳоят, жамиятда ижтимоий муҳит барқарорлигининг кафолати ҳамдир. Шу боис маҳаллий ҳокимиятлар томонидан аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилиб, у ёки бу корхоналар зиммасига янги иш ўринлари яратиш, бўш иш ўринларини тўлдиришда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларига эътибор қаратиш вазибалари

юклатилади. Чунончи, Навоий шаҳар ҳокимининг ўтган йил 6 декабрдаги қароридан «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ 1-сонли ГМЗ корхонаси зиммасига 15 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож кишини, шу жумладан, 1 нафар ногиронлиги бўлган шахсини ишга қабул қилиш вазифаси белгиланган эди. Шу асосда Навоий вилояти Бандлик Бош бошқармаси томонидан фуқаро Ойбек Ҳамроевга квота йўлланмаси берилди. Бироқ 1-сонли ГМЗ маъмурияти томонидан О.Ҳамроевни ногиронлиги вазидан ишга

қабул қилиш рад этилади.

Навоий вилояти Бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат инспекциясининг Ойбек Ҳамроевни ишга қабул қилиш масаласи бўйича давло аризаси Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судида кўриб чиқилди.

Суд томонларнинг барча вазиларини тинглаб, фуқаро Ойбек Ҳамроевни «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ 1-сонли ГМЗ корхонаси зиммасига мақбул келадиган ишга қабул қилиш ва етказилган маънавий зарарни қисман қоплаш тўғрисида қарор чиқарди.

Шерали ОЧИЛОВ,

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди судьяси

Ҳуқуқ

Эълонлар

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги қонунининг 16-, 18-моддаларига асосан «PREMIER SMART AVTO» масъулияти чекланган жамияти умумий йиғилишининг 2022 йил 31 октябрдаги қарори билан З.Садуллаеванинг жамиятда шакланган 2 426 325 000 сўмлик улуши камайтирилиб, таъсисчилар сафидан чиқарилгани ва унинг янги миқдори С.Сохибов томонидан 2 млрд. сўмга шаклантирилиши маълум қилинади.

Бунда жамият кредиторлари ўзларига хабарнома йўлланган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки қабул қилинган қарор тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида жамият тегишли мажбуриятларини муддатидан илгари тугатишини ёки ижро этишини ҳамда ўзлари кўрган зарарининг ўрнини қоплашини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидирлар.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ маълум қилади.

«Ishonch» газетасининг 16.04.2022 йил №48(4644)-сонидан чоп этилган бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклидаги очиқ аукцион савдоларига қўйилган объектлар, «TOSHKENT VILOYATI DORI-DARMON» АЖнинг 14.11.2022 йилдаги №324/01-сонли хатига асосан савдодан олинганлигини маълум қилади. Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (78) 147-40-00.

Тошкент
шаҳри

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Шайхонтохур тумани кенгаши томонидан «Юрт тараққийи йўлида бирлашайлик!» шiori остида 41-умумий ўрта таълим мактабида уюштирилган тадбирга 80 нафар бошланғич касба уюшма кўмитаси раислари ҳамда кўп йиллар меҳнат қилиб келган фахрий касба уюшма кўмитаси етакчилари таклиф қилинди.

Тадбирни Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Шайхонтохур тумани кенгаши раиси Дилнора Улмасова қириш сўзи билан очиб, фар-

ФАОЛЛИК ЭЪТИРОФИ

Тадбир

зандларимизнинг таълим ва тарбиясида соҳа ходимларининг хизматлари катта эканини таъкидлади. Иштирокчиларни Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси Баҳодир Аҳроров, туман мактабгача таълим ташкилоти бўлим мудириси Осиё Аҳророва, Миллий театр актёри Толиб Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қутлуғбека Раҳмонова ҳам қутладилар.

Тадбирда бошланғич касба уюшма кўмитаси раислари иштирокидаги соҳага оид бошқотирмалар, Меҳнат кодекси бўйича тезкор савол-жавоблар ва саҳна кўринишлари намойиш этилди. Соҳада кўп йиллардан буён сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган касба уюшмаси фаолларига эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлар топширилди.

Раъно МАҲҚАМОВА
«ISHONCH»



Хотира

– Синглимнинг тўйига кетаяпман.
– Ўзингни тўйинг қачон?
– Келаси йил. Жамоага бош бўлиб, Самарқандга, уйимизга борасиз. Жуда хурсанд бўламан...
Бу Аброр билан бир ҳафта олдинги сўхбатимиз эди.
Мана, кунни кеча «Ўзим бош бўлиб», Самарқандга, Аброрнинг уйига бориб келдик. Аммо, афсуски, у бир кун аввал мудҳиш автоҳалокат туфайли оламдан ўтган эди...

АБРОР... ЭНДИ ЭСОН ЭМАС



Тахририятимиз фотомухбири Аброр Эсонов бир ойча аввал меҳнат таълиғига чиқди. Ажабки, бир кун ҳам дам олмади. Деярли ҳар кун ишхонада кўриниб турди, ҳали у, ҳали бу тадбирларда қатнашиб, газетада ёритиб борди. Ҳамкасблари «Таътилдасиз, дам олмайсизми?» дейишса, «Менга таътилнинг ўзи эмас, пули керак бўлганди», дебди...

Кейин биласак, таътил пули ва ойлигини кўшиб, тўйи кутилаётган синглисига тилла узук ва зирак сотиб олган экан...

Бу дунёда боласи ўлган ота-онани юпатишдан ҳам оғирроқ иш йўқ. Аброрнинг отаси – Исомиддин ака билан кўришдик. Бир кун аввал пешонасидан ўлиб, қизини узатган, ҳали тўй ўқонининг олови совмай туриб, навқирон ўғлини тупроққа кўйган бечора отанинг ҳолатини тасаввур қилиб бўлмайдди.

Аброрнинг ўзига ўхшаган укаси – Жалолиддин айтиб берди. Шанба кун пешин вақтида юз берган фалокатдан сўнг Аброрни шифохонага элтди. Аҳволи яхши эди, дейди. Телефонини сўрабди, яхши кўрган қизига кўнғироқ қилибди, нималаринидир гаплашибди, ёзишибди ҳам. Кечга бориб аҳволи оғирлашибди. Келинчак синглимни бир кўрай, дебди. Сингил ҳам келибди, бироқ қазо элчилари ундан аввалроқ етиб келишган экан...

Дарвоқе, аҳволи оғирлашган Аброр онасини чақириб, «Менга бир нарса бўлса, тахририятнинг фотоаппаратини Тошкентга элтди беринглар, учиди синглимнинг тўйида олинган расмлар бор, илтимос қилсанглар, улар суратларни чиқариб беришади», дебди.

Аброр оиласининг катта фарзанди, ота-онасининг, жигарларининг таянчи эди. Ўзбекистон Миллий университетининг Кимё факультети кечки бўлимида контракт асосида ўқиб, кундузи тахририят юмушларини бажарарди. Ўзи бош бўлиб, ўқитиш учун укасини ҳам Тошкентга етаклаб келганди. Ўзидан, ўқишдан орттириб, Пастдарғомнинг олис бир манзилида енг учиди кун кўрадиган оиласига мунтазам ёрдамлашарди.

Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» ва
«Ташкентская правда»
газеталари бош муҳаррири

Қарз-ҳавола қилиб, машина сотиб олганининг сабаби ҳам шу эди, оқшомлари кира қилиб, оиласи, жигарларининг бир камини тўлдириб пайданд бўларди.

Кимё факультетида машгулотлар оғир эмасми, ишдан бўш вақт топиши билан дарс тайёрлашга киришарди. Ўтган йили университетнинг қайсар бир домласи аллақайси бир қийин фандан баҳосини қўйиб бермай, курсдан қолдириб юборган, шу сабаб қайта контракт тўлаб, учинчи курсни бошқатдан ўқийётган эди. Ушанга, курсдан қолдиригунча қараб турдигми, университет раҳбарлари ҳам одам, вазиятнинг тушунтирардик, бир курсга икки марта контракт тўлаб ўқиш осонми, деб танбех бергандим.

Аллоҳнинг тақдир сабабу баҳоналари билан келади, дейдилар. Кўнмасдан иложимиз йўқ.

Ҳазрат Навоий айтиди:
Ёғилур ҳар дам фалақдин бошингга гарди фироқ, Ўт равнорққим, омонатдир баса, бу эски тоқ...

Томидан тупроқ тўкилиб турган уй омонатдир, бу уйда узок қолиб бўлмас. Ҳазрат шунга ишора қилиб, осмону фалақдин мудом айрилиқ гарди ёғилиб турган бу дунё омонат, уни эртароқ тарк этмоқда ҳам бир ҳикмат бордир, демоқдалар...

Аброр, сен ҳам бу омонат даҳри дундан эртароқ воз кечдинг. Баъзан унга кўришганда ҳазиллашиб, «Аброр, эсонмисан?» деб кўярдим. Фамилиясига қилган ишорамдан чандон завқланиб, уятчан табассуми билан айтдики, «Эсонман, ака, эсонман...».

Яна афсус, энди эсон эмассан, Аброр...

Уч йил сенга ҳам раҳбарлик, ҳам устозлик қилдим. Рангбат ҳам, танбех ҳам бердим. Ҳаммасига розиман, сен ҳам рози бўл...

Увол кетдинг, укам! Марҳаматининг чеки йўқ Аллоҳим сени ўз раҳматига олсин.



ЕМАГАН СОМСА УЧУН ТҮЛОВ

Музаффар ота-онасининг ёлғиз ўғли, тўрт нафар сингли тўрт нафар фарзанднинг сунган тоғи, ишонган боғи эди. Афсус, яқинда у судланди ва Жиноят кодексининг 167-, 168-моддалари ва яна қўшимча бир неча модда бўйича айбдор деб топилиб, ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бунга аслида Музаффарнинг кўнгилчанлиги-ю одамларга ишонувчанлиги сабабчи бўлди. У савобли ишга қўл урмоқчи бўлиб, ҳайдовчиси банк кредити эвазига уй олишига кафиллик қилди. Бироқ ҳайдовчи қарзини вақтида тўлаш ўрнига ҳар сафар турли-туман баҳоналарни рўқач қилиб юрарди. Банк эса Музаффарнинг фирмаси ҳисоб рақамидан мўмайгина пулларни ечиб олаверди. Охир-оқибат фирма касодага учраб, истеъмолчилари назаридан қолди.

«АТИГИ ҲАМ МЛЛИОН СЎМГИНА-КУ...»

Санобар ҳамкасби Моҳирага уй олишида ёрдам бериш ниятида унга кафил бўлди. Орадан бир ой ўтганча, негадир пластик картасига ойлиги тушмади. Хайрон бўлиб, ҳисобчига мурожаат қилди. Ҳисобчи унга пул вақтида пластик картасига ўтказилганини исботлаб берди. Охирида калаванинг учи банкка бориб тақалди. Аниқланишича, дугонаси кредит тўловини муддатда амалга оширмагани учун банк уни Санобардан ундириб олган экан.

Моҳира қоп-қоп ваъдаларни бериб, дугонасига пулини яқин кунларда қайтаришини айтди. Лекин кейинги ойда ҳам аввалги ҳол тақороланди. Ўлганнинг устига тегиладди, Моҳира безрайиб «Қарзим атиги ўн миллион сўмгина-ку. Ўзгина ремонт ишларим бор, ўшандан қутулиб олай, пулингизни бераман. Сиз савоб ишга қўл ургандан кейин охиригача туриб бering-да», деди.

Дугонасидан бундай дашномни кутмаган ёлғиз она – Санобар гангиб қолди. «Бу кетишда қарзининг ҳаммасини ўзим тўлайман шекилли. Унда рўзгоримни қандай тебратаман? Болаларимнинг ҳоли не кечади?» деган саволлар гирдобда қолиб, қаттиқ изтироб чеқди. Охири юрак хуружи тутиб, тўшака михланди. Кўп ўтмай ҳаётдан кўз юмди.

ЯХШИЛИКНИНГ ЖАВОБИ ШУМИ?

Эндигина 20 ёшни қаршилаган Нуриддин бу

Янги ишга кирган, Қуръони каримни ёддан билладиган Соҳибжон Рустамнинг кўзига ўта диёнатли киши бўлиб кўринди.

«Қори» бундан унумли фойдаланди. Ишла бошлаганига ҳеч қанча бўлмай, банкдан кредит олишда ёрдам сўради. Азбаройи унга ихлоси баландлигидан Рустам «қори»га ишонди ва унга кафил бўлди.

сафар уйга ойлик маошини олиб келмади. Ота-онасидан «Ҳали пул берилмади», деб қутулди. Лекин орадан уч ой ўтса-да, у бир мири ҳам олмаганини сезган ота-онаси хавотирга тушиб, нима гаплигини сўраб-суриштирди. Нуриддин уларга бор гапни рўй-рост айтишдан ўзга илож тополмади.

Аён бўлишича, у бирга ишлайдиган Санжар исмли киши ногирон боласини доволатиш учун банкдан 15 миллион сўм кредит олишига кафиллик қилган. Бу ҳақдаги шартномани ўқиб ҳам кўрмай имзо чеккан. Бир ой ўтар-ўтмас боғи киши ишдан бўшаб кетган. Устига-устак, яшаш жойини ҳам, телефон рақамини ҳам ўзгартирган. Нуриддин эса, у банкдан олган кредитни ойма-ой тўлапти.

ВАЪДАБОЗ «ҚОРИ»

Янги ишга кирган, Қуръони каримни ёддан билладиган Соҳибжон Рустамнинг кўзига ўта диёнатли киши бўлиб кўринди. «Қори» бундан унумли фойдаланди. Ишла бошлаганига ҳеч қанча бўлмай, банкдан кредит олишда ёрдам сўради. Азбаройи унга ихлоси баландлигидан Рустам «қори»га ишонди ва унга кафил бўлди.

Таажубки, уч ойдан сўнг унинг пластик картасига тушган ойлик маоши бир соат ўтар-ўтмас «йўқолиб» қолди. Суриштириб билса, пулни банк оғоҳлантиришсиз ечиб олибди. Рустам «қорининг ёнига югурди. У эса муаммонни тез орада ижобий ҳал этишга ваъда берди. Аммо лафзида турмади.

Айни ҳолат кейинги ойда ҳам тақороланди. Аламига чидай олмаган Рустам «қори»га қаттиқ-қаттиқ гапириб ташлади:

– Қанақа одамсиз ўзи? Ёки мен ёлғиз онам билан яшашимни билмайсизми?.. Тезда пулларимни қайтаринг, акс ҳолда, сиз билан эркакча-сиз гаплашаман.

– Ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилманг, ука, – деди «қори» бамайлихотир оҳангда. – Мен ижарага машина ҳам олганман. Унга ойига тўрт ярим миллион сўм тўлашим керак. Демакки, пулингизни ҳозирча қайтаришга ҳечам имконим йўқ.

Бу гапни эшитган Рустам гангиб, анча вақт жим қолди. Охири «Энди иккимиз тегишли жойда гаплашамиз!» деди-ю, хонадан чиқиб кетди.

ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШДА ҲУШЁР БЎЛИНГ!

Энди банкдан қарз олаётган шахсга кафил бўлаётганлар учун тузиладиган шартномага кўз югуртирайлик. Унда куйидаги жумлалар битилган:

«Қарз олувчи банкдан олган (.....) сўм миқдоридидаги микроқарз (шартномада «кредит» деб аталади)ни ўз вақтида қай-

тариш тўғрисидаги мажбуриятини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда, «КАФИЛ» «БАНК»нинг биринчи талабига биноан кредит бўйича тўловлар, унга ҳисоблаб ёзилган пеня ва фоизлар ҳамда кредит мажбуриятини ўз муддатида бажариш билан боғлиқ харажатларни пул маблағлари ёки ликвидли мол-мулки билан сўзсиз тўлаш мажбуриятини ва жавобгарлигини ўз зиммасига олади.

«БАНК» куйидаги ҳуқуқларга эга:
– кредит мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тезкорлик билан «КАФИЛ» ва қарз олувчидан қарздорликни қайтаришни талаб қилиш, унинг талаби бир ойлик муддат ичидида бажарилмаганда қарз мажбуриятларини қонунда белгиланган тартибда мажбурий ижро қилдириш;

«ҚАРЗ ОЛУВЧИ» шартларини бажармаганда, муддат ўтган кредит қарздорлиги «КАФИЛ»нинг пластик карта ҳисобрақамидан ечиб олиниш ҳақида оғоҳлантириш бериш...».

Бизнингча, кафилликни зиммасига олмоқчи бўлганлар шартномага қўл қўйишдан олдин юқорида келтирилган бандлар мазмун-моҳиятини яхши тушуниб олишлари, халқимизнинг «Кафил бўлма, кафансиз кетасан» деган гапини унутмасликлари лозим. Бу – биринчидан. Иккинчидан, масалага адолат нуқтаи назаридан ёндашганда, айрим банклар ўзларининг шартномада қайд этилган айрим мажбуриятларига амал қилишмаяпти. Аниқроғи, улар кафилнинг пластик картасидан пулни олдиндан, оғоҳлантиришсиз ечиб олишмоқда.

Шу ўринда ўз-ўзидан ҳақли бир савол туғилади: бу билан банк шартнома талабларини бузмаяптими? Тагин нима эмиш, бирор киши кредит олишга муҳтожлик сезса, унга маҳалла фуқаролар йиғини ёки ўзи ишлаётган ташкилот-корхона ҳам кафил бўла олармиш. Кўз ўнгимизда рўй бераётган воқеаларни кўриб-билиб тургани боис одамлар кафил бўлмай қўйишгач, банклар энди бу йўлга ўтишибди-да.

Ҳолбуки, хорижий давлатларда банкларга қарз сўраб борган шахсдан кафил топиб келиш талаб қилинмайди. Кредитга муҳтож фуқаро фақат паспортини кўрсатиб, ўзига керак маблағни олаверади. Бас, шундай экан, дўппини тиззага қўйиб, ўйлаб кўрайлик: бизнинг банклар кафил топиб келиш талабини қўйиб, қарз олувчилар ўртасида фирибгарликлар урчишига йўл очиб беришмаяптимикин?

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари
тахрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(тахрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари,
энг сўнгги англиклар,
таҳлилий, танқидий
мақолалар, хабарларнинг
тўлиқ матни
билан танишишингиз
мумкин.

Ҳудудлардаги
муҳбирлар:

Андиқон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган
маълумотларда манба сифатида
газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан
фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусахҳилар:
Д. Худойберганаева,
Д. Рашиданова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 22:00
Топширилди – 22:10

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ.
Буюртма Г-1106
31232 нусxada босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба,
пайшанба ва шанба
кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130